

## ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ҚҮЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Назарова Камола Сатторали қизи



мустақил изланувчи  
Тошкент молия институти  
E-mail: nazarovakamola1128@gmail.com  
ORCID:0009-0007-3068-2953

### Аннотация

Мақола Ўзбекистон амалиётида аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларига бағишлиган бўлиб, унда мазкур мавзуни тадқиқ этишининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот жараёнида қўлланилган усуллар мазмуни, мамлакатда халқаро стандартларни қўллаш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўналишлари, халқаро стандартларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини ифодаловчи ҳаволалар, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларда халқаро аудит стандартларини жорий қилинишининг амалдаги ҳолати ўрганилган.

**Калит сўзлар:** аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторлик амаллари, молиявий ҳисобот аудити, аудиторлик хизмати, аудиторлик ташкилоти, аудитни режалаштириш, аудиторлик хулоса, аудиторлик жамоат бирлашмалари.

## ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ АУДИТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Назарова Камола Сатторали кизы

соискатель  
Ташкентский финансовый институт  
E-mail: nazarovakamola1128@gmail.com  
ORCID:0009-0007-3068-2953

### Аннотация

Данная статья посвящена применению международных стандартов аудита в практике Узбекистана, анализируется данная актуальная тема, уровень ее изученности, исследуются вопросы применения международных стандартов в стране и их решения, аспекты, выражающие паратаксисные особенности международных стандартов, внедрения международных

стандартов аудита в государствах-участниках Содружества Независимых Государств.

**Ключевые слова:** международные стандарты аудита, аудиторская практика, аudit финансовой отчетности, аудиторские услуги, аудиторские организации, планирование аудита, аудиторское заключение, аудиторские общественные объединения.

## FEATURES OF THE USE OF INTERNATIONAL STANDARDS ON AUDITING IN UZBEKISTAN

Nazarova Kamola Sattorali kizi

*independent researcher  
Tashkent Institute of Finance  
E-mail: nazarovakamola1128@gmail.com  
ORCID:0009-0007-3068-2953*

### Abstract

This article is devoted to the application of international auditing standards in the practice of Uzbekistan, includes an analysis of this topical problem, the level of its study, examines the application of international standards in the country and their solutions, aspects expressing the parataxis features of international standards, the current state of the implementation of international auditing standards in the participating Commonwealth of Independent States.

**Keywords:** international auditing standards, audit practice, audit of financial statements, audit services, audit organizations, audit planning, audit report, audit public associations.

### Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам норматив-хуқуқий базаси ва ўзига хос миллий аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди, уни ривожлантириш учун таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ҳамда эркинлаштирилди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаларига қарамасдан “...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аudit стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти...” [1]. Ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида мазкур муаммонинг ечими сифатида “йирик давлат корхоналарида молиявий “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali 2-som 2023-yil 144

ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишида халқаро стандартларни жорий қилиш” [2] каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашда аудит текширувани режалаштириш ва ўтказишининг амалий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, текширувларда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида текширув натижаларини хужжатлаштириш, умумлаштириш ва баҳолаш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги, хусусан, ҳозирги жаҳон аудит амалиётида текширувларни халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиши, аудитни автоматлаштириш ва аудит натижаларини хужжатлаштириш масалалари комплекс тарзда тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Иқтисодчи олим О. Баракаевнинг таъкидлашича: “Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) аудиторлик фаолиятидаги узоқ йиллик тажрибани бирлаштиради ва бутун дунёда аудиторликни ривожлантириш ҳамда тартибга солиши тажрибасини ҳисобга олади. АХС бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги дунёning етакчи мутахассислари, илғор мамлакатларнинг амалиётчи ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган кўп йиллик ишларнинг энг яхши натижаси сифатида шаклланди” [8]. Ўзбекистон амалиётида аудиторлик фаолиятининг норматив-хуқуқий базаси яратилиши, аудит хизматлари бозорини янада ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланиши, халқаро стандартлар асосида фаолият юритиш натижасида иш сифатининг ошиши ва халқаро тармоққа аъзо бўлиши ҳамда аудиторларнинг профессионал билим ва малакаси оширишнинг энг мақбул йўли амалиётда аудитнинг халқаро стандартларини жорий этишdir.

## Адабиётлар шархи

Аудиторлик фаолиятида АХСни қўллаш масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борган хорижлик олимлар A. Arens, M. Beasley, R. Elder[3], А.Д. Шеремет [4], Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Р.Д. Дусмуратов [5], А.А. Каримов [6], М.М. Тўлахўжаева [7] ва Б.К. Ҳамдамовларнинг [8] илмий асарларида АХСнинг зарурати келтириб ўтилган. Жумладан, А.Д. Шереметнинг ишида трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши, аудит фирмаларининг интеграциялашуви ва йирик халқаро гуруҳларга айланиши муносабати билан аудитни халқаро миқёсда унификация қилиш зарурати юзага келгани ҳамда аудит халқаро стандартлариниг икки мақсади қайд

қилинганд, яъни аудиторларнинг професионаллик даражаси жаҳон даражасидан паст бўлган мамлакатларда аудиторлик касбининг ривожланишига кўмаклашиш ва имкон қадар халқаро миқёсда аудитга муносабатни бирлаштириш экани таъкидланган [4]. Шунингдек Р.Д. Дўсмуратовнинг ишида аудитнинг халқаро стандартлари халқаро миқёсда аудиторлик фаолиятининг сифати ва мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилган [5]. Республикаиз ҳудудида ташкил қилинганд аудит фирмаларининг кўрсатаётган хизматларидан чет эл сармоядорлари жуда кам фойдаланаётганлиги, маҳаллий аудит фирмалари тўла халқаро андозаларга мос равишда ўз ишини йўлга қўя олмаганлиги Б.Қ. Ҳамдамовнинг тадқиқотларида қайд этилган [8].

Амалиётчи аудитор Р.Умаровнинг фикрича: “Халқаро аудит стандартлари – бу аудитни ўтказиш ва унга боғлиқ хизматларни кўрсатишга ягона талаблар ва шартлар белгиланган ҳужжатлар ҳисобланиб, уларда асосий принциплар, зарур тартиблар ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар ўрин олган” [10].

### Таҳлил ва натижалар

Маълумки, аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва тарғиб қилиш билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси шуғулланади. Ҳозирги пайтда унинг таркибига 129 мамлакатдан 173 та бухгалтерия ҳисоби бўйича професионал жамоат ташкилотлари киради. Аудит стандартлари барча аудиторлар ўз професионал фаолияти жараёнида риоя қилиши лозим бўлган умумий базавий тамойилларни ифодалайди.

Аудиторлик фаолияти стандартлари жаҳон амалиётида аудит соҳасида професионал фаолиятни тартибга солишнинг умумий эътироф этилган механизми ҳисобланади. Стандартлар воситасида тартибга солишнинг қўйидаги икки асосий тури амалга оширилади:

1) давлат томонидан тартибга солиши – стандартлар давлатнинг аудитга нисбатан барча қонунчилик талабларини ўз ичига олади;

2) нодавлат ташкилотлари томонидан тартибга солиши – аудиторлик жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади.

Стандартлар аудит ўтказишга умумий ёндашувларни, аудиторлик текшируви қўламини, аудиторлик ҳисботи турларини, аудитнинг услугий масалаларини ва аудитнинг базавий тамойилларини ўзида мужассамлаштиради.

Стандартлар хуқуқий муаммолар билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, агар иш судда кўрилганда аудиторлик стандартлардан кетма-кетлиқда фойдаланиши исботлаб бериладиган бўлса, аудитордан жавобгарликнинг **“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı 2-son 2023-yil 146**

асосий қисми олиб ташланиши мумкин. Бу ҳолат биринчи бор инглиз ва америка суди амалиётида ўз аксини топган. Аудиторлар ўз ишида умумқабул қилинган стандартларга аниқ риоя қилғанлиги исботланса, суд томонидан мижозларнинг уларга даъволари рад қилинган. Қуйидаги 1-чизмада аудиторлик стандартларининг аҳамияти кўрсатилган.

1-чизма.

### **Аудит стандартларининг аҳамияти\***



\* Муаллиф томонидан тайёрланган.

Аудитнинг халқаро стандартлари мақоми уларни қўллашда бажариладиган вазифаларнинг мазмуни ва қўллаш тартиби билан белгиланади. Халқаро аудит стандартлари қоидаларидан четга чиқиши аудитор томонидан далиллар асосида исботланиши лозим. АХСдан бошқа алоҳида стандартнинг қўлланиши борасидаги ҳар қандай чеклов аудитор томонидан изоҳланиши лозим. Стандартлар дастлаб АҚШ ва Буюк Британияда пайдо бўлган, кейинчалик эса бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳам ўз миллий стандартларини яратишга киришган. АХСдан фойдаланишга ёндашувлар негизида турли назарий концепциялар ётади. Уларнинг барчаси постулатлар деб номланувчи аудит методологиясини белгилаб берадиган асосий қоидалардан иборат. Аудит маҳаллий ва ғарб ёндашувлари постулатларини таққослаш орқали амалга оширилади. Постулатлар аудиторлик стандартларининг энг муҳим жиҳатларини тартибга солувчи илмий асосланган қоидаларни ифодалайди.

Маълумки, ҳозирги пайтда аудит амалиётида 50 номдаги аудитнинг халқаро стандартлари ва улар асосида ҳар бир аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг ички стандартлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда миллий аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга

доир вазифалар оширилишига қарамай АХСни Ўзбекистон аудиторлик амалиётига жорий этиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Бизнингча, бугунги кунда, “Ўзбекистон Республикаси худудида кўллаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олинишини таъминлаш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш...”[1] бўйича мавжуд муаммоларни қўйидаги йўналишлар асосида ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз (1-жадвал).

1-жадвал.

**Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда  
кўллаш масалалари\***

| <b>АХСларни Ўзбекистон амалиётида жорий<br/>етиш муаммолари</b>   | <b>Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар</b>  |
|---|---|
| <p>1. АХСнинг ўзбек ва рус тилларидаги аниқ, мукаммал ҳамда амалий асосланган расмий таржималарининг камлиги.</p> <p>2. Амалдаги қонун ҳужжатларида АХСларни амалиётга жорий этиш бўйича аниқ ва қатъий талаблар ёки тартиб-қоидаларни етарлича белгиланмаганлиги.</p> <p>3. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи аудиторлик ташкилотларининг 18,4 фоизи (18/98) халқаро аудиторлик тармоқларига аъзо ҳисобланиб, қолган 81,6 фоиз(80/98) аудиторлик ташкилотлари АХС талаблари асосида аудиторлик текширувларини тўлақонли ўтказа олмайди. Бу эса, қолган аудиторлик ташкилотларида АХСларни кўллаш бўйича ички ташкилий муаммолар мавжудлигини англатади.</p> <p>4. Аудиторлик ташкилотларида АХСларни амалиётга жорий этиш бўйича молиявий имкониятларнинг чекланганлиги ёки ушбу мақсад учун харажатларни режалаштирилмаслиги.</p> <p>5. Республикаизда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларда АХСни амалиётда кўллаш бўйича билим, малака ва кўникма даражасининг талаб даражасида эмаслиги.</p> <p>6. АХСларни ўрганиш ва Ўзбекистон амалиётига жорий этиш бўйича жамоат ташкилотлари иштироки даражасининг талаб даражасида эмаслиги.</p> <p>7. Амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари, мавжуд ўқув адабиётлари ва дарслкларда АХСларни амалиётда кўллаш бўйича манбалар, фикрлар ва талабларнинг етарлича баён этилмаганлиги.</p> <p>8. Аудиторлик ташкилотларида АХСни кўллаш бўйича тажрибанинг етишмаслиги сабабли текширувлар учун кўп вақт ва маблагларнинг сарф этилиши.</p> <p>9. АХСни амалиётда қўлланилиши бўйича тажрибага эга ўлган амалий тушунтириш ёки кўрсатмалар берувчи мутахассислар ёки эксперталарнинг етишмаслиги.</p> | <p>1. АХСларни амалиётга жорий этиш ва АХС қоидаларини тарғиб қилиш бўйича илгор хориж тажрибасини ўрганиш ва бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш.</p> <p>2. Аудиторлик ташкилотларига халқаро бухгалтер сертификатларига эга бўлган мутахассисларни кенг жалб этиш ва аудиторлик ташкилотларининг АХСларни амалиётда кўллаш бўйича ички стандартларни ишлаб чиқиши.</p> <p>3. АХСларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистон амалиётида кўллаш масалалари билан доимий шугулланадиган аудит, бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил, менежмент ва бошқа турдош соҳалар бўйича малакали таржимонлар ва мутахассислардан иборат маҳсус нодавлат ташкилотини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. У АХСнинг ўзбек ва рус тилларидаги расмий матнларини тайёрлаши; инглиз тилидаги матнларни ўзгаришларни кузатиб бориши ва уларни ўз вақтида республикада расмий равишда мослаштирилган матнга киритиши; ўзбек ва рус тилларида АХС атамалари глоссарийсини юритиши керак.</p> <p>4. АХСларни ўзбек тилидаги расмий нашрлари ёки уларга шарҳлар ва изоҳларни кўпайтириш ҳамда уларни амалиётга жорий этиши.</p> <p>5. Аудиторлар ва мижоз-корхоналар бухгалтер ходимларини АХС ва МҲҲСларни амалиётда кўллаш масалалари бўйича малакасини ошириш ёки қайта тайёрлашнинг мукаммал тизимини ишлаб чиқиши.</p> <p>6. АХСларни амалиётга жорий этиш бўйича амалдаги мөъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, чукур тадқиқот ишларини олиб бориши, дарслек ва ўқув кўлланмаларнинг янги авлодини яратиши бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>7. АХСларни Ўзбекистон амалиётига жорий этиш бўйича самарали институционал мухит ва механизmlарни ривожлантириш ва улар фаолиятининг хуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.</p> <p>8. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар ва АХС асосида текширувларни ташкил этишга манбаатдор ташкилотларнинг молиявий лойиҳалари ва малакали мутахассисларини Ўзбекистон амалиётига тезкор жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>9. Аудиторлик ташкилотлари томонидан АХС талабларига риоя этилаётганлиги юзасидан сифат назоратини кучайтириш.</p> |

\*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Бугунги кунда халқаро аудит стандартлари соҳасида профессионал кадрлар етишмаслиги муаммоси мавжуд. Агарда стандартларни амалиётда қўлланилишини давлат органлари томонидан назорат қилиниши белгиланадиган бўлса, давлат томонидан молиялаштириш харажатларини ўсиши муаммоси келиб чиқади. Агарда стандартларни амалиётда қўлланилишининг назорати жамоат ташкилотлари зиммасига юклатиладиган бўлса, жамоатчилик ташкилотлари томонидан стандартларга риоя қилинишини объектив баҳолаш масаласи юзага келади. Чунки АХСга риоя этилишини аудиторлик фаолияти бўйича кучли мутахассис-аудиторлар амалга ошириши сабабли назорат жараёнларида атайн хатолар кўрсатилиши ёки, аксинча, яширилиши мумкин.

Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида АХСдан фойдаланишнинг уч хил шакли мавжуд бўлиб, бунда биринчиси фақат халқаро аудит стандартларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Иккинчи шаклда эса, халқаро стандартларга мувофиқ, миллий аудит стандартлари яратилади ва амалиётда миллий стандартлардан фойдаланилади. Ва, ниҳоят, учинчи аралаш шаклда аудиторлик амалиётида миллий ва халқаро стандартлардан уйғунликда (аралаш) фойдаланиш кўзда тутилади.

Халқаро аудиторлик амалиётида аудиторлик текширувани режалаштириш тартиби «Молиявий ҳисбот аудитини режалаштириш» номли 300-сон АХС ва 3-сонли «Аудитни режалаштириш» номли АФМС билан тартибга солинади. «Молиявий ҳисбот аудитини режалаштириш» номли 300-сон АХСда аудитни режалаштириш – бу аудит режасини яратиш ва тузиш бўйича умумий аудит стратегиясини ишлаб чиқишидир, деб эътироф этилган (“Audit planning - is the development of an overall strategy to establish audit and preparation of the audit plan”).

“Молиявий ҳисбот аудитини режалаштириш” номли 300-сонли АХСга мувофиқ, аудиторлик текширувани режалаштириш жараёни қўйидаги босқичлар асосида амалга оширилиши белгиланган:

кириш;

аудитни режалаштириш;

аудит стратегияси.

Мазкур “Молиявий ҳисбот аудитини режалаштириш” номли 300-сон АХСда белгиланган тартиблар “Мустақил аудиторнинг асосий мақсадлари ва халқаро аудит стандартлариiga мувофиқ аудит ўтказиш” номли 200-сон АХСда белгиланган тартиб билан биргаликда амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, АХСнинг асосий амалий устунликларидан бири – бу АХС матнига киритилган ўзаро боғлиқ ҳаволалар ёки уларда аудиторга

аудит жараёнида у ёки бу стандартни қўллаш кетма-кетлигини белгилашга имкон берадиган “ҳавола”ларнинг мавжудлигидир. Амалдаги аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда эса, бундай ўзаро боғлиқ томонларни ифодаловчи ҳаволалар қабул қилинмаганлиги сабабли улар мавжуд эмас.

2-жадвал.

**300-сон АХСга ўзаро боғлиқ томонларни  
ифодаловчи ҳаволалар\***

| т/р | 300-сон АХСда белгиланган таомиллар   | Ўзаро боғлиқ томонларни ифодаловчи ҳаволалар акс эттирилган стандартлар   |
|-----|---|---|
| 1.  | Аудиторлик гурухининг асосий аъзолари иштироки  | 315 АХС. «Ташкилот ва унинг муҳитини ўрганиш воситасида жиддий бузиб кўрсатишлар рискларини аниқлаш ва баҳолаш»<br>240 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитида фирибгарликка нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари»  |
| 2.  | Топшириқ бўйича дастлабки ишлар   | 220 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишида сифат назорати»<br>210 АХС. «Аудиторлик топшириқлари шартларини мувофиқлаштириш»   |
| 3.  | Режалаштириш бўйича ишлар   | 315 АХС. «Ташкилот ва унинг муҳитини ўрганиш асосида жиддий бузиб кўрсатишлар рискларини аниқлаш ва баҳолаш»<br>330 АХС. «Баҳоланган рискларга жавобан аудиторлик тартиб-тамоийллари»<br>220 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишида сифат назорати» |
| 4.  | Бошқариш ва назорат бўйича қўшимча тавсиялар  | 230 АХС. «Аудиторлик ҳужжатлари»  |
| 5.  | Биринчи бор бажарилаётган аудиторлик топшириқларига нисбатан қўшимча фикр-мулоҳазалар | 220 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишида сифат назорати»  |

\* Муалиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги 2-жадвалда аудитни режалаштириш жараёнида 300-сон “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли АХСдан ташқари яна қайси халқаро стандартлар талаблари ва тавсиялари бажарилиши кўрсатилган. Аудиторлик текширувни режалаштиришда ўзаро боғлиқ томонларни ифодаловчи ҳаволалардан фойдаланиш аудиторларга аудитни янада самарали амалга оширишга имкон беради. Бунда аудиторнинг хўжалик фаолияти рискларини тушуниши ахборотни ҳисботда жиддий равишида бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш эҳтимолини сезиларли даражада оширади. Шунингдек 300-сонли «Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш» номли АХСда унинг қўллаш соҳаси акс эттирилган бўлиб, бу ерда ушбу стандарт такрорий аудит топшириқларига мансублиги кўрсатилган, бундан ташқари биринчи марта бажарилаётган аудиторлик топшириқларига алоқадор қўшимча изоҳлар алоҳида тақдим этилган.

Амалдаги АХСларга мувофик, аудиторлик текшируви қуйидаги уч асосий босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган:

1. Режалаштириш босқичи.

2. Аудиторлик далилларни тўплаш босқичи.

3. Текширув натижаларини расмийлаштириш босқичи.

Режалаштириш босқичидан олдин аудитор мижоз билан танишиб чиқиши лозим. Мижоз ҳақида дастлабки ахборот тўплаш жараёни ишчи жадваллар асосида амалга оширилиб, уларга қуидаги маълумотлар киритилади:

мижоз фаолиятининг минтақавий ва тармоқ хусусиятлари;

мижознинг молиявий ҳолати;

мижоз фаолиятининг ташкилий ва технологик хусусиятлари;

молиявий ҳисоботга масъул ходимлар малакавий даражаси ҳақида ахборот;

мижоз-корхона ҳисоб жараёнларини автоматлаштириш даражаси;

қимматли қоғозлар бозоридаги мижоз фаолиятининг даражаси;

ички назорат тизимини ташкил қилиш;

мижознинг молиявий мажбуриятлари ҳақида ахборот;

мижоз иштирок этадиган суд ишлари материаллари.

АХС негизида миллий стандартлар ишлаб чиқилади. Айрим мамлакатлар ўз стандартларини ишлаб чиқмасдан, АХСни миллий стандартлар сифатида қўллашга қарор қилган. Аудит соҳасида юқори ривожланган мамлакатлар – Канада, Буюк Британия, Ирландия, АҚШ – халқаро аудит стандартларини фақат маълумот учун қабул қиласди, холос. Ўз навбатида, Австралия, Бразилия, Ҳиндистон ва Голландия каби мамлакатлар уларнинг асосида ўз миллий аудит стандартларини ишлаб чиқади. Малайзия, Нигерия ва Фиджи каби бошқа мамлакатлар АХСдан миллий стандартлар сифатида фойдаланади. Ўзбекистон аудиторлик фаолияти миллий стандартларини мустақил равишда ишлаб чиқкан, бунда Ўзбекистон стандартларининг аксарияти халқаро стандартлар билан айнан бир хилдир.

Халқаро аудит стандартларидан фойдаланишининг АҚШ мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу давлатда хусусий компаниялар, агарда зарур бўлса АХСга мувофиқ аудит ўтказишдан фойдаланишлари мумкин. Бироқ АҚШ ўзининг аудит стандартларига эга бўлиб, хусусий компаниялар аудитида фойдаланиш учун Америка сертификатланган жамоат бухгалтерлари институти томонидан белгиланган умумий қабул қилинган аудит стандартлари (GAAS) ва оммавий компаниялар бухгалтерия ҳисоби устидан назорат бўйича Кенгаш (PCAOB) томонидан қабул қилинган оммавий корпорациялар аудитида қўлланадиган стандартлардан фойдаланилади.

**Сўнгги ўн йилликда дунёда аудит хизматлари бозорининг асосий элементларидан бири бу аудиторлик амалиётида АХСни қўллаш “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı 2-som 2023-yil 151**

хисобланади. Жумладан, аудит хизматлари бозори МДХга аъзо давлатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Иқтисодиётнинг исталган сегменти каби аудит хизматлари бозори ҳам кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади.

Бугунги кунда МДХга аъзо давлатларнинг аудит миллий тизимларининг ўхшаш жиҳати аудиторлик фаолиятини тартибга солишда АХСни асосий меъёрий хужжат сифатида қабул қилишидадир (3-жадвал).

3-жадвал.

**МДХга аъзо давлатларда ҳалқаро аудит стандартларини  
жорий қилиниши ҳолати\***

| <b>МДХга аъзо давлатлар</b> | <b>АХС ни жорий қилиш режаси (дастурининг) мавжудлиги</b> | <b>Режани (дастурни) амалга оширадиган ваколатли органлар</b>  | <b>АХСни жорий қилиш даври</b>     |
|-----------------------------|---|--|------------------------------------|
| Озарбайжон                  | Ҳа  | Йўқ  | 01.01.2010 йилдан бошлаб           |
| Арманистон                  | Йўқ   | Йўқ  | Йўқ                                |
| Беларусь Республикаси       | Йўқ   | Йўқ  | Йўқ                                |
| Козогистон                  | Ҳа  | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, малакали аудиторлик ташкилотлари  | 2006 йилдан бошлаб                 |
| Қирғизистон                 | Ҳа  | Йўқ  | 2003 йилдан бошлаб                 |
| Молдова                     | Ҳа  | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маориф вазирлиги, бухгалтерия хисоби ва аудит соҳаси бўйича малакавий ассоциациялар | 01.01.2012 йилдан бошлаб           |
| Россия Федерацияси          | Ҳа  | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, аудиторлик фаолияти бўйича Кенгаш, аудиторларнинг ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари   | 2013–2016 йиллар                   |
| Тожикистон                  | Йўқ   | Йўқ  | Йўқ                                |
| Ўзбекистон                  | Ҳа  | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий Банк, бухгалтерлар ва аудиторларнинг касбий бирлашмаси                     | 2011–2020 йилларда босқичма-босқич |

\* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

МДХга аъзо давлатларда АХС талабларини жорий қилишдаги асосий муаммо – АХС талаблари асосида аудиторлик текширувларини ташкил этиш масаласи ҳисобланади.

Қуйидаги 4-жадвал маълумотларидан қўринадики, МДХга аъзо давлатлар аудиторлик амалиётида АХСни жорий қилиш ва қўллаш жараёнида бир қатор умумий муаммоларга дуч келишди. Жумладан, институционал, ташкилий-хуқуқий, молиявий, кадрлар тайёрлаш ва бошқа услубий муаммолар мавжуд. Ўз навбатида, мазкур муаммоларни ечиш том маънода АХСни қўллашда ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш имконини беради. Фикримизча, МДХга аъзо давлатларда АХСни қўллашнинг институционал муаммолари сифатида институционал мухитнинг йўқлиги ёки **“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı** 2-сон 2023-yil 152

етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатиш мумкин.

4-жадвал.

**МДХ давлатларида АХСни қўллаш  
муаммолари\***

| АХСни жорий<br>қилишининг асосий<br>муаммолари  | Муаммонинг долзарбилиги (мухимлиги) |  |   |
|---|-------------------------------------|--|---|
|   | Паст                                | Ўртacha  | Юкори   |
| Аудит бўйича<br>кадрларни тайёрлаш<br>ва қайта тайёрлаш   | Қозогистон<br>Республикаси          | Озарбайжон, Беларусь<br>Республикаси, Тожикистон,<br>Россия Федерация,<br>Ўзбекистон | Молдова   |
| Молиявий<br>манбаларнинг<br>чекланганлиги   | Тожикистон                          | Озарбайжон, Беларусь<br>Республикаси, Ўзбекистон                                     | Арманистон, Қирғизистон,<br>Молдова   |
| Халқаро бухгалтерлар<br>федерациясининг<br>талабларига мос<br>бўлган аудит<br>сифатини назорат<br>қилиш |                                     | Озарбайжон, Арманистон,<br>Беларусь Республикаси,<br>Қирғизистон, Ўзбекистон         | Молдова, Россия<br>Федерацияси  |
| АХСнинг рус тилига<br>ўз вақтида расмий<br>таржимаси йўқлиги  |                                     |  | Беларусь Республикаси,<br>Қозогистон, Қирғизистон,<br>Россия Федерацияси,<br>Ўзбекистон |
| АХСнинг айрим<br>қоидалари миллий<br>норматив хукукий<br>актларга мос эмаслиги                          | Тожикистон<br>Ўзбекистон            | Беларусь Республикаси  |   |

\*Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Аммо МДХга аъзо давлатларнинг аксарияти учун АХС таржимасининг йўқлиги ва АХСни қўллашда молиявий муаммоларининг мавжудлиги ёки МДХга аъзо давлатлар молиявий манбаларининг чекланганлиги мазкур муаммони жиддийлаштириди. Бу давлатларда АХСни қўллашнинг кадрларга оид муаммолари билим ва кўнгилмаларнинг етарли даражада эмаслиги билан боғланиб кетади. Бунда АХСни қўллашда маҳаллий тилларда услугий материалларнинг етишмаслиги жиддий масаладир.

### Хунос

Аудитнинг халқаро стандартлари хукукий мақоми қонун даражасида белгиланиб, замонавий талаблар ва халқаро принциплар асосида аудитни тартибга солишининг самарали ташкилий-хукукий механизмини яратиши мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуннинг 9-моддасига аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари сифатида АХС киритилди. АХСни жорий этиш аудитни халқаро миёсда унификациялашини таъминлади ва корпоратив бошқарув сифатини ошириди ҳамда бу орқали республикада аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг

такомиллашуви, аудиторлик хизматлари сифатининг ошиши ва ишбилиармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини оширишга олиб келди.

МДҲга аъзо давлатларда АҲС талабларини жорий қилишдаги асосий муаммо – АҲС талаблари асосида аудиторлик текширувларини ташкил этиш масаласи ҳисобланади. МДҲга аъзо давлатлар аудиторлик амалиётида АҲСни жорий қилиш ва қўллаш жараёнида бир қатор умумий муаммоларга дуч келишди. Жумладан, институционал, ташкилий-хуқуқий, молиявий, кадрлар тайёрлаш ва бошқа услубий муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда ҳалқаро аудит стандартлари соҳасида профессионал кадрлар етишмаслиги муаммоси мавжуд. Агарда стандартларни амалиётда қўлланилишини давлат органлари томонидан назорат қилиниши белгиланадиган бўлса, давлат томонидан молиялаштириш харажатларини ўсиши муаммоси келиб чиқади. Бундан ташқари давлат назорат ходимлари аудитнинг барча нозик жиҳатларини билмаслиги сабабли, ахборот «оқиб чиқиши» хавфи юзага келади.

Фикримизча, аудитнинг ҳалқаро стандартларининг мазмун ва моҳиятини чукур ўрганиш, аудиторлик амалиётида стандартларнинг услубий қоидаларини қўллай олиш, миллий аудиторлик амалиётини ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириш, жаҳон амалиётидаги «Аудит» ва “Молиявий ҳисобот аудити” фанларини чукур тадқиқ этиш, мазкур соҳада инглиз тилидаги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш, аудит соҳасидаги ҳалқаро атамаларни қабул қилиш, амалиётчи ходимлар ва илмий тадқиқотчиларнинг хорижий мамлакатларда тажриба алмашинувини ташкил этиш ҳамда амалиётчи аудиторларни сертификатлаш ишларини йўлга қўйиш бугунги аудит соҳасининг долзарб масалаларидан саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори. – <http://lex.uz/docs/3914502>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони. – <https://nrm.uz>

3. Arens, A., Elder, R. & Beasley, M., Auditing and Assurance Services, “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı 2-son 2023-yil 154

14th ed., 2012, Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.

4. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 456 с.

5. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари: дарслик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.

6. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 152 б.

7. Тўлахўжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси, 1996. – 193 б.

8. Аудиторлик фаолиятини аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ такомиллаштириш. “Iqtisodiyot va ta'lim” илмий электрон журнали 2022 йил 2-сон.

9. Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисбот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услугубий асослари. Иқт. фан. докт дисс. – Т., 2007. – 260 б. – [www.ifac.org](http://www.ifac.org) 15. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. Умаров Р. Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари (AXC): уларга нималар киритилади ва асосий қоидалар. – <https://www.bss.uz>